




Сиёсий катагонлик «социализм куриш» учун коммунистик фирка олиб борган кураш жараёнидаги энг аянчли фожеа, битмас-туганмас жарохат, мудхиш сиёсат, умуммиллий зулм ва зугум сифатида тарихда колди. Унинг мазмуну мохияти ва сир-асрорлари тўла очилиши учун хали кўпгина вақт, илмий-иждодий изланиш, ақл-заковат сарфлашга тўғри келади.

Мухтарам китобхон! Кўлингиздаги «Хотираларимдан» номли рисола ўз вақтида миллатимизнинг маънавий отаси ҳисобланган Мунаввар Кори Абдурашидхонов каламига мансуб. Унда 20-йилларда миллий-озодлик ва истиклол учун кураш олиб борган «Иттиҳоди тараккий», «Бирлик», «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиклол» каби ошкора ва яширин ташкилотлар тарихи ёритилган.

Кўлингиздаги рисола буюк миллатпарвар, Ватан истикполи йўлида шаҳид ўтган Мунаввар Кори Абдурашидхоновдан колган мерос. У Туркистондаги жаҳидчилик ҳаракати тарихига оид каттагина асарнинг учинчи қисми бўлиб, «Хотираларимдан» деб номланган.

Муаллифнинг ўзи кўрсатишича, хотиранинг биринчи қисми жаҳидчиликнинг майдонга келишидан 1917 йил февраль инқилобигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчиси 1917 йил февраль-октябрь, учинчиси эса шўро даврини (1917—1929 йиллар) камраб олган. Биз мана шу учинчи қисмининг русчага таржима қилинган нусхасини кўлга киритдик ва ўзбекчага ағда-риб ҳукмингизга ҳавола этишга жазм қилдик.

Дарҳақиқат, унда жаҳидчиликнинг шўро давридаги бизларга номаълум бўлиб келган маориф ва маданият тараккиётига кўшган ҳиссаси, энг муҳими, МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ учун мустабид қомфирка сиёсатига қара-ма-қарши олиб борган ошкора ва ноошкора кураши тарихи ёритилган.

Рисола шўро даврида илмий жамоатчилик кўзидан нари сакланган тарихий ҳужжат ва воқеаларга бой. Улар шўро адабиётида фақат бир томонлама мактов ва улуғлаш билан

кўрсатиб келинган коммунистик боскиннинг мохиятини тўғри кўрсатишга ёрдам беради. Китобнинг ёзилиш тарихи ва жойи ҳам ўзгача. Мунаввар Кори уни 1929—1930 йилларда камокхонада боши устида сиёсий катагонлик ойболтаси кўтариб қўйилган аянчли бир пайтда ёзган.

Бу рисола миллий-озодлик кураши, миллий уйғонишда маънавий куч-қувват ва илҳом манбаи бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, миллий демократик ҳаракат — жадиждчилик ва унинг йирик намояндаси Мунаввар Кори ҳақида анча кенг маълумот беради.

Мунаввар Кориға 1915 йилдаёқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз хатларида «Маънавий Кори отамиз... хазратлари», — деб мурожаат қилган. «Инкилоб» йиллари-да эса кўча намоёйиши ва катта митинг ҳамда йигилишларда «Яшасин Мунаввар Кори! Яшасин миллат!» деган марш охангида ашула айтилган. Бухорода Фрунзе бошчилигида кизил армия давлат тўнтариши ясаб, мангитлар сулоласи — Амир Олимхон авлодларига тегишли салкам икки асрлик олтин хазинаси ва шаҳар аҳолисининг бойликлари таланиб, коммунистик мустамлака зугуми бошлангач, Фитрат Мунаввар Корини қучоқлаб йиглайди: «Биз бундай инкилобни хохламаган эдик. Биз фақат амирни ағдариб адолатли жамият барпо қилмоқчи эдик...».

Китоб мустабид шўро тузуми даврида аввал бироз муддат улугланган, кейинроқ эса, катагон қилинган буюк истиклолчи боболаримизнинг армону хасратлари, биз билмаган жасоратга тўла кураш тарихи саҳифаларига бойдир. Шунингдек, ундаги Мунаввар Корининг бошқа маъруза, шеър ва мақолалари ҳамда замондошларининг унинг ҳақидаги фикр-мулоҳазалари китобхонлар эътиборини ўзига тортади, деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчидан.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ОТАСИ

«Асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, кадр-киммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз». **И. А. КАРИМОВ**

1878 йили Тошкент шаҳридаги нуфузли оилалардан бирида учинчи ўғил дунёга келди. Унга яхши ният билан падарибузруквори — мадраса мударриси, элга таникли Абдурашидхон ва волидаи меҳрибони Хосиятхонлар Мунаввар, яъни нурга тўлган ва нур билан ёритилган деган маънони англатувчи исм кўядилар. Мунаввар етти ёшлигида отаси Абдурашидхон ҳаётдан кўз юмади. Чиркиллаб колган Аъзамхон, Муслумхон ва Мунавварларнинг еб ичишию кийиниши, таълим ва тарбияси Хосиятхон отин елкасига тушади. У ўз даврининг ўқимишли ва фозила аёлларидан бўлиб, жигаргўшаларига дастлабки савод ва бошлангич таълимдан сабоқ беради. Аъзамхон билан Муслумхон ҳаётдан ўз ўринларини ота касби — мадраса мударриси бўлиб етишиш билан топади. Муслумхон (1875—1954) масжидда умр бўйи имомлик килади. Аъзамхон 1919 йилда вафот этади.

Мунаввар ёшлигидан ўткир зехнли, акалари катори илмга чанкок бўлди. У дастлаб Тошкентда Юнусхон мадрасасида ўқийди. Кейин эса ўн ёшидаёқ, Бухорога бориб, у ердаги мадрасалардан бирида ҳадис ва фикх илми таҳсилига берилади. Тошкентга қайтиб, Дархон маҳалла масжидида имомлик килади.

У диний, дунёвий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги китобларни, журнал ва газеталарни севиб ўқийди. Айниқса жадиदчиликнинг «отаси» Исмоилбек Гаспирали Кримда чоп этаётган «Таржумон» (1881—1914) газетаси Мунавварнинг миллатчи ва халқчил бўлиб етишига катта таъсир килади.

Мунаввар Корининг шогирдларидан бири Лазиз Азиззоданинг ёзиб қолдиришича, инкилоб арафасида Туркистонга, жумладан, Тошкентга Урусия, Туркия, Миср, Эрон ва бошқа шарқий мамлакатлардан юзлаб турли хил илгор руҳдаги журнал, газета ва тўпламлар келиб турган. Улар зиёли ва ёшлар орасида, мадраса-ларда кўлдан-кўлга ўтиб ўқилган. Булардан Мунаввар ҳам баҳраманд бўлгани шубҳасиз. У туркий тиллардан ташқари, рус, форс тилларини ҳам яхши билган.

Мунаввар ёшлигидан Ватан тақдири, халқнинг ижтимоий турмуши, «ок пошшо» ва унинг ўлкадаги мустамлакачилик, руслаштириш ва дини исломни бузиш сиёсати ҳақида ўйлай бошлайди. У Ватан озодлиги, иқтисодий ва маданий тараккиёти маорифга боғлиқ эканлигини жуда эрта тушуниб етади. Мунаввар Кори ўтган асрнинг 90-йилларида Исмоилбек Гаспирали томонидан Кримда асосланган «усули жади́д» — «усули савтия» (товуш усули)даги янги мактабни очишга бел боғлайди. Аммо унга чор харбий маъмурияти, рус зиёли миссионерлари, маҳаллий мусулмон диний мутаассиблар қаршилик килади.

Жуда катта меҳнат ва турли таъқибларга бардош бериш эвазига, Мунаввар Кори 23 ёшида (1901) Туркистонда биринчилар қатори жади́д мактабини очишга муяссар бўлади. Унда болалар ўқиш-ёзишни икки йилда ўрганади. Бунинг учун қадим — эски анъанавий мактабларда эса беш йил вақт сарфланар эди. Ўз меҳнатидан тўла маънавий қониқиш ҳосил қилган ва илгор усулнинг моҳият-оқибатини чуқур ҳис этган Мунаввар Кори бутун умрини халққа маърифат тарқатишга, буюқ давлатчилик шовинизмининг хилма-хил найрангларига қарши курашга бағишлайди. Инкилобдан олдин у бу «қилмиши» учун бир неча бор чор амалдорлари томонидан таъқиб қилинади, сургун қилиниши ҳақида оғохлантирилади, аммо булар уни сира чўчита олмайди.

Мунаввар Корининг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти биринчи (1905—1907 йй.) ва иккинчи (1917 йил февраль) рус демократик инкилоблари даврида

янада юксакликка кўтарилади. Бу даврда у факат жаҳид мактабларини ташкил этиш ва уларда ёшларни ўқитиш бидан чекланмай, фаол адиб, журналист, ношир, олим, сиёсий раҳбар сифатида Туркистондагина эмас, балки Ўрта Осиё ва Россия мусулмонлари орасида катта обрў козонади.

Мунаввар Кори жаҳид мактаблари учун янги товуш усулида дарсликлар — «Адиби аввал» («Биринчи адиб», 1907 йил) алифбе ва «Адиби соний» («Иккинчи адиб», 1907 йил) ўқиш китобларини чоп эттиради. Булар ўлкадаги асосий дарсликлар сифатида октябрь тўнтаришидан сўнг ҳам кенг қўлланилади.

Мунаввар Кори миллатнинг юксалиш ва ўйғониши факат мактабгагина боглик, деб тушунмайди. У кенг халқ оммасини дунё воқеаларидан, ўз ижтимоий аҳволи ва сиёсий воқеалардан хабардор бўлиши зарурлигини тушуниб, газета-журнал ва бадиий-илмий тўпламлар нашр этишга катта эътибор беради. Дастлаб 1906 йилда Исмоил Обид муҳаррирлиги ва ҳамкорлигида Тошкентда «Тараккий» газетасини нашр эттиришга муваффақ бўлади. Аммо бу газета тез орада чор ҳукумати амалдорлари томонидан ман этилади. Мунаввар Кори шу йили харбий ҳокимиятдан ўзи газета чиқаришга рухсат олади ва октябрь ойининг бошларида «Хуршид»ни нашр этади. Саккиз бетлик бу газета идораси Тошкентнинг Занжирли маҳалласида макон топган эди. Бу газета ҳам ўз саҳифаларида ислом дини, яъни шариатга оид масалалар билан бир каторда халқнинг аҳволи, иқтисод ва сиёсат муаммоларини ёритгани учун мусодара қилинади. Ундан сўнг Мунаввар Кори яна ўз дўст ва маслакдошлари Абдулла Авлоний, Аҳмаджон Бектемир, Мухаммаджон Жалил номларидан газеталар чиқаришга рухсат олади. Мунаввар Корининг 1908 йили «Ер юзи» география дарслиги, «Тажвид» (Қуръони каримни ўқиш усулини ўргатувчи) китоблари босилиб чиқади. Шу йили у яна жаҳид шоир ва ёзувчилари асарларини тўплаб «Сабзавор» номи билан чоп эттиради. Булар жаҳид мактабларида дарслик сифатида қўлланилди. Мунаввар Кори бошлаган янги мактаб усули Туркистонга тез ёйилади. Унинг ташаббускор жон-қуярлари «тараккийпарварлар» деб ном олади. Мунаввар Кори эса уларни бирлаштирувчи раҳбар ва йўлбош-чига айланади. Унинг мактаби эса жаҳид мактаблари учун илмий-услубий ва амалий тажриба маркази бўлиб хизмат қилади.

1917 йилда Мунаввар Корининг матбуот соҳасидаги фаолияти кўзга алоҳида ташланади. Унинг муҳаррирлигида «Хуршид» (1906), «Нажот» (1917) ва «Кенгаш» (1917) каби жаҳид газеталари нашр этилади. Мунаввар Кори жаҳидларнинг рус подшоҳи ҳукмронлиги давридаги газетчиликдаги хизматига баҳо бериб шундай деган эди: «Жаҳидлар полисининг кўркинчи каттик бўлса ҳам, кийинчиликларни ўз устига олиб, газет чиқарди ва уни халққа таркатди»[1]. Октябрь тўнтаришидан сўнг Мунаввар Кори янги мактаб, ўрта махсус ва олий таълим ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатади. Бу борада унинг ўзи 1927 йилда Тошкент округ маданиятчилари курултойида шундай дейди: «Ўқтабрдан кейин жаҳидлар... мактабларини ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошладилар» [2].

Мунаввар Кори ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети пойдеворини қўйган кишилардан бири. 1918 йил 9 апрелда унинг уйида тўпланган зиёлилар факат рус тилликлар ўқиши мумкин бўлган Туркистон Халқ дорилфунуни очиш ҳаракати бошлангач, Мусулмон халқ дорилфунунини ташкил этиш мақсадида 9 кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Унга Мунаввар Кори (раис), Бурхон Хабиб, Исо Тўхтабоев, Содик Абдусатторов, Муродбек, Муродхўжа, Мухтор Бакир, Абдусами Кори Зиёбоев ва бошқалар кирган эди. Комиссия Мусулмон халқ дорилфунунини ҳам русча Туркистон

Халк дорилфунуни каби уч боскичда ташкил этади: юкори боскич — дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти); ўрта боскич — ўрта хунар мактаблари; куйи боскич — бошлангич мактаблардан иборат бўлади. 3 май куни Мусулмон халк дорилфунуни рахбариятига сайлов бўлиб ўтади. Унда Мунаввар Кори раис (ректор), Исо Тўхтабоев ректорнинг биринчи, Бурхон Хабиб иккинчи ўринбосарлари, Абдусами Кори Зиёбоев хазинадор, Мухтор Бакир саркотиб этиб сайланади.

1918 йил 12 май куни эса Эски шаҳар даҳасидаги Викула Морозовнинг собиқ магазини биноси (ҳозирги Ўзбек ёш томошабинлар театри)да Мусулмон халк дорилфунунининг тантанали очилиш маросими бўлади. Уни Мунаввар Кори кискача кириш сўзи билан очиб, мусулмонлар чоризм даврида рус йўқсиллари билан биргаликда ярим аср кулликда яшагани, бугунги озодлик ва тантана катта талофатлар билан қўлга киритилганлигини айтди. Шундан сўнг бу курашда халок бўлганларга бағишлаб, Куръони каримдан тиловат ўқилиб, фатво берилади. Мусулмон дорулфунуни Мунаввар Кори рахбарлигида ўз даврининг катта билим масканига айланади. У 15 демократик маданий-маърифий ташкилот вакилларидан уюшган 45 кишилик кенгаш томонидан бошқарилади. Унда ишловчи муаллимлар сони 180 нафарга етади. Унинг 1918 йил 31 майдан бошлаб, «Халк дорилфунуни» газетаси чиқади. У дастлаб ҳафтада бир марта, кейин эса (5-сонидан бошлаб) ҳафтада икки марта чиқади. «Халк дорилфунуни» бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқатилар эди.

1918 йил 2 июнь куни Мусулмон халк дорилфунунининг юкори боскичи дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти) ишга тушади. Унда Абдурауф Фитрат она тилидан, Камол Шамси арифметика ва немис тилидан, Раҳимбоев арифметикадан, Абдурахмон Исмоилов санъатдан, Ризаев маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан, Мунаввар Кори (дорилмуаллимин мудири — ректори ҳам эди) она тилидан дарс беради.

Русча Туркистон халк дорилфунуни ва унинг бўлими Мусулмон халк дорилфунуни тўла маънодаги олий ўқув юрти бўла олмаса-да, бўлажак давлат университети ҳозирги — Ўзбекистон Миллий университети учун моддий-техникавий ва илмий-педагогик асос бўлди.

Мунаввар Кори мустамлакачиликка қарши «Чор ҳукумати йикитиш жаҳидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас» [3], дейди. Мунаввар Кориға рус демократик февраль инқилоби зулматдан ёруғлик-ка чиқиш, жаҳолат устидан адолат тантана қилишидек бўлиб кўринади. У дастлаб октябрь тўнтаришининг номиллий моҳиятини тўла тушуниб етса-да, халққа берилган эркинликлар ва шiorларни маъқуллайди, ижтимоий-сиёсий фаолиятга берилади. 1917 йил март ойининг бошларида Мунаввар Корининг катта сайъ-ҳаракати билан Тошкентда мусулмон халқлари шўроси — «Шўрои исломия» ташкил топди. Мунаввар Кори унинг раиси ўринбосари этиб сайланади. Апрельнинг ўрталарида Туркистон мусулмонларининг биринчи умуммусулмон ўлка курултойи чақирилади. Унда 150 нафар энг фаол вакиллар катнашади. Мунаввар Кори шу тарихий анжуман раёсатига раис этиб сайланади. Унинг рахбарлигида курултой ўша даврнинг 16 та энг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, тегишли ижобий қарорлар қабул қилади. Булар орасида Туркистоннинг сиёсий жихатдан ўзини бошқариши, бўлажак ҳукумат, уруш, мардикорликка олинганлар, таъсис курултойини чақириш, Туркистонда «Шўрои исломия»нинг Бутун Туркистон Миллий марказини тузиш, ер, сув ва бошқа масалалар бор эди. «Шўрои исломия»нинг шу биринчи курултойида Туркистон мусулмонларининг Миллий маркази сайланади. Унга Мунаввар Кори (раис муовини), Мустафо Чўкаев

(раис), Махмудхўжа Бехбудий ва бошқалар киради.

1917 йил ёзида Тошкент шаҳар Думасига ўтказилган сайлов олди мавсумида Мунаввар Кори мусулмонлар митинги ва йигилишларда оташин нутқлар сўзлаб, уларни сиёсий фаолликка чакиради, натижада мусулмонлар катта ютукни қўлга киритади. Думага сайланган 112 депутатдан 76 нафарини маҳаллий халқ вакиллари ташкил этади. Улар орасида Мунаввар Кори ҳам бор эди.

Мунаввар Кори Думада Тошпўлатбек Норбўтабеков, Миён Бузрук Солихов, Султонхўжа Саидхўжаев ва бошқалар билан ҳамкорликда маҳаллий халқ манфаати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади. Унинг талаби билан Дума депутатларидан тузилган Тошкентда университет ташкил этиш комиссияси таркибига Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Содиқ Абдусатторов киритилади.

Мунаввар Кори халқ маърифини европача замонавий ва шарқона исломий билимлар мажмуи асосида бошланғич, ўрта ва олий таълимдан иборат уч босқичли тизимини ривожлантириш тарафдори бўлади. Унинг ўзи икки босқичли жаҳид мактабини ташкил этган эди. Унинг биринчи босқичи тўрт йиллик бўлиб, болаларга умумий диний ва дунёвий билимлар асосини беради. Иккинчиси эса етти йиллик эди [4]. У ўша вақтда яширин ва расмий рухсат билан қўплаб ташкил этилаётган жаҳид мактаблари учун устоз (муаллим) ва кичик-кичик маҳалла масчитларига имом ҳамда идораларда иш юритувчи ходимлар тайёрлайди. Шунингдек, бу мактабни тугатганлар олий таълим олиш учун мадраса ва европача университетларда ўқишни давом эттириши мумкин бўлди.

Миллат эрки ва Ватан озодлиги фидойиси бўлган Мунаввар Кори фаолиятидаги кўзга кўринарли асосий томонлардан яна бири унинг жаҳид олий таълимига асос солиш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш учун курашдан иборат бўлди. Бу соҳада у мустамлака сиёсати ва маҳаллий мутаассиблик каби икки томонлама қаршиликка тўғри келади.

Шунга қарамай, Мунаввар Кори ўз маслакдошлари билан биргаликда мадраса соҳасидаги ислохотда сезиларли ўзгариш қилолмагач, иқтидорли мусулмон фарзандларини Россия, ҳозирги Озарбайжон ва Татаристон, Туркия ҳамда Германияга ўқишга юборишда маълум ютуқларни қўлга киритади.

1909 йилда Тошкентда Мунаввар Кори ўз дўстлари Тошхўжа Туёқбоев, Низом Кори Мулла Хусанов, Мулла Абдулла Авлонов (Авлоний), Баширулла Асадуллахўжаевлар билан ҳамкорликда «Кўмак» номи мусулмон хайрия жамиятини ташкил этади. Унинг маҳаллий рус маъмурияти томонидан 1909 йил 26 майда расман тасдиқланган Уставида кўрсатилган асосий фаолият мазмунидан бири таълим берадиган муассасаларга ёрдам бериш, олий ва ўрта ўқув юртларида таҳсил олувчилар учун стипендиялар ажратишдан иборат бўлган.

Шу йили Бухоро жаҳидлари ҳам «Тарбияи афтол» жамиятини ташкил этади. Бу хайрия жамиятларининг Истамбулда махсус бўлими ҳам бўлган. Уни шу ерда ўқиган Фитрат ва бошқалар ташкил этади.

Бу жамиятлар, маълум ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, расмий ва норасмий равишда шўро ҳокимиятининг дастлабки беш йиллигигача фаолият кўрсатган. Ҳозиргача топилган ёзма манбаларга кўра, 1911 йилда Туркияда 15 киши, 1912 йилда 30 киши, 1923 йилда Германияда эса 70 кишидан ортиқ Туркистон ва Бухоролик ҳамюртларимиз ўқигани маълум.

Мунаввар Кори шўро ҳокимияти даврида, дастлаб, Тошкентдаги эски шаҳар маорифи бўлими мудир, Туркистон ҳукумати олий органи — Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси, Маориф Халқ Комиссарлиги коллегияси аъзоси, Бош Вақф

Бошкармасида бўлим мудир, оддий ўқитувчи, газета муҳаррири бўлиб ишлайди. 1919 йил январда Тошкентда шўроларга қарши Осипов уюштирган исёндан сўнг жуда оғир сиёсий вазият юзага келди. Шу воқеалар муносабати билан уламолар тараққийпарвар жадидлардан ўч олиш макс-дида ҳатто уларни қалтаклайдилар. Бунга жавобан Мунаввар Кори ўз сафдошлари билан қелишиб, «Бирлик» уюшмасини ташкил этади. Бундан мақсад фиркали ва фиркасиз, зиёли ва оддий фуқаро ҳамда ёшларни бирлаштириш орқали қомфирқа таркибида қўпчилиқни ташкил этиш эди. Уни ташкил этиш маросимида иштирок этган Тангриқулхўжа Максудов шундай ёзади: «Мана шу йиғилишда Саъдуллахўжа Мунаввар Корини қутиб олиш чоғида у билан ўпишиб, ўзини эсер деб таништиради ва Ватан учун ишлашга ҳамиша тайёр эканлигини айтади. Бу йиғилишда «Изчилар» номли мусика оркестри ҳам бўлиб, мусикачилар Акмал Икромов бошқарувида «Яшасин Мунаввар Кори, Яшасин миллат!» деган ашулани айтадилар». Мунаввар Кори инқилоб ва шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллатнинг маънавий-мафкуравий отаси, сиёсий раҳбари даражасига қўтарилади. Миллат ва Ватан манфаати йўлида 1918 йилда қомфирқа сафига қиради. Мусулмон коммунистик ташкилоти ташкил топишида унинг таъсири ҳам қучли бўлди. 1919 йил март ойида РКП(б)

Марказий Қўмитаси розилиғи билан II ўлка фирқа конференциясида РКП(б)нинг Мусулмон бюроси — «Мусбюро» тузилди. Унга Т. Рискулов раис, Мунаввар Кори, Н. Хўжаев, А. Мухитдинов, Ю. Алиев ва Ю. Ибрагимовлар аъзо бўлиб сайланди. Уларнинг таъсирида Мусбюро туркий ва бошқа мусулмон халқларини бирлаштириш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Бунинг натижаси ўлароқ Туркистон мусулмон коммунистларининг III конференцияси ва номусулмон Туркистон коммунистларининг V конференцияси (1920 йил, январь) Мусулмон фирқа ташкилотини «Турк коммунистик фирқаси», Туркистон Мухтор республикасини эса «Турк мухтор республикаси» деб номлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Бирок бунга мустамлақачилиқ сиёсатини янғича шаклда давом эттираётган Марказий фирқа ва ҳукуматнинг Туркистондаги ишонч ва таянчи Турккомиссия раҳбарлари, аниқроғи, Фрунзе қарши чиқади. Шунинг учун ҳам Турккомиссия махсус тузилган комиссия ҳулоасига қўра мусулмон коммунистларининг хоҳиш-иродаси асосида қабул қилинган юқоридаги қарорларни бекор қилади. Т. Рискулов бошлиқ мусулмон коммунистик ташкилот раҳбарлари, шу жумладан, Мунаввар Кори ҳам «миллий оғмачилиқ»да айбланиб бадном қилинади. Бу эса «ленинча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» ҳақидаги шior коммунистик мустамлақачилиқнинг никоб пардасидан бошқа нарса эмаслигини исбот қилади..

Бухорога қизил армия бостириб қириб, босиб олғач, Мунаввар Кори Туркистон шўролари Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан Бухоро ҳукуматиға ёрдамчи ходим сифатида ишга юборилади. Унинг бу ерга қелиши билан Бухоро яширин миллий-озодлик ҳаракати марказига айланади. Аҳмад Заки Валидий бошчилигида яширин «Туркистон миллий бирлиги» қўмитаси (Ўрта Осиё Миллий Мусулмон жамиятлари федерацияси) тузилади. Унинг асосий вазифаси Туркистон, Бухоро ва Хоразмни коммунистик босқиндан озод қилиш, «босмачилиқ уруши»ға ташкилий тус беришга қаратилади.

Мунаввар Кори «Туркистон миллий бирлиги» ҳаракатининг асосий фаолларидан бирига айланади. Шунинг учунми, у Бухородан тез орада Тошкентга қақириб олиниб, 1921 йилда давлат тўнтариши ясашда гу-мон қилиниб, бир гуруҳ қишилар қатори қамолқа олинади.

Орадан бироз вақт ўтгач, у Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитасининг авф этиши (амнистияси) асосида камокдан озод қилинади.

Мана шундан сўнг унга фиркавий ва маъмурий тазйик борган сайин кучайиб боради. Нихоят у Комфирка сафидан чиқишга мажбур бўлиб, шундай дейди: «Мен ўзимни ўзбек халким учун фойдали хисоблаганим учун коммунистик партияга кирдим, агар менинг халким фойдаси учун қайси бир партияга кириш лозим бўлса, мен ўшанга ўтавераман»[5]. Мунаввар Кори ўзбек миллий театри асосчиларидан бири сифатида ҳам катта обрў ва эътибор топган. У ўз фикрдошлари билан ижодий ҳамкорликда 1914 йилдаёқ «Турон» труппасини тузган эди. Бу труппа беш йил фойда кўрсатади.

Мунаввар Корининг маданият ва маориф, ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги хизматларига шоир Тавалло бир шеърида баҳо бериб шундай дейди:

Чўх мунаввар этди оламини Мунаввар Коримиз, Кўрдимиз равшанлигининг феълимиз, атворимиз. Ибрат олинг ёшлар, деб тўққи кўздин ёшлар, Нутқида таҳрир этиб, бизларни йўқу боримиз. Чин кўнгилдан биз эшитдук, чин экан айтган сўзи, Шунча бидъатларни билдук, вой, биз икроримиз.

Мунаввар Кори илмий-ижодий ёшларни тарбиялашга катта эътибор беради. Уларга маънавий оталик қилади. Бу ўринда Хамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1915 йилда унга ёзган хати диққатга сазовордир: «Ассалому алайкум! Маънавий Кори отамиз хазратларина!» Устоз эса ўз шогирди Хамзага меҳр ила ёзилган жавоб хатларидан бирида (1916):

«Ҳурматли Хамза афанди! Эшон ва бойларнинг малъун ва аблахликларини очикдан-очик «малъун», «жохил», «хоин», «палид», «нобакор» каби сўзлар ила эмас, қилгон ишларининг ёмонлиги ила кўрсатилса яхши бўлур эди»,— деб маслаҳат беради.

Бу ўринда Мунаввар Кори бадиий ижодиёт соҳасида Хамзага жуда тўғри маслаҳат беришдан ташқари шу нарса аниқ сезилиб турибдики, у динга эмас, балки, диндан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган диндорларга қарши бўлган. Мунаввар Кори бутун халқ ва айниқса ёшларни имони бут бўлиш билан бирга ўта хавфли душман — ижтимоий-сиёсий «ялқовлик» ва «нодонлик»дан сиёсий фаоллик ва миллий уйғонишга чақирган эди. Бунга унинг болаларга қарата ёзган қуйидаги шеъри мисол бўла олади:

ЯЛКОВЛИК ЁВИМИЗДИР [6]

Кўзголингиз, эй ўртоқлар!
Келди бизга ишлаш чоғи,
Биз барчамиз ёш ишчимиз,
Ишхонамиз мактаб боғи.
Туринг тезроқ иш бошлайлик,
Ялқовликни биз ташлайлик!
Кўкдан булут ёмғир сочар,
Сувлар оқар, ўтлар ўсар,
Қушлар учар, озиқ излар,
Бутун дунё тинмай ишлар.
Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар,
Юрт обрўсин ёшлар саклар...
Тирик бўлсанг, кўзгол ўртоқ,

Кўлга ишни тез ол, ўрток!
Жаннат каби гўзал юртинг йиглаб,
Сендан иш кутади,
Сенда кўргач ишсизликни,
Хасрат чекиб, кон ютади.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,
Айт ёвингга сўнг сўзингни.
Ёвинг кимдир, биласанми?
Нодонликдир, ялковликдир,
Ёвга карши курашмаслик —
Кўркокдикдир, анковликдир.
Иш киличин тур, кўлга ол!
Ёвга карши чиндан кўзгол!

Минг бор афсуски, бу улуг зот шўро тарихида «халк душмани», «миллатчи» (бир миллатни иккинчисига карама-карши кўйиш маъносида), «махаллий буржуазия идеологи» деб таърифлаб келинди. Унга нисбатан ёш авлодда нафрат туйғусини тарбиялашга ҳаракат килинди.

Мунаввар Кори бор-йўги 53 бахорни кўрди. Шундан 39 йили «инкилоб»дан олдинги чоризм мустамлакачилиги азоби остидаги болалик, балогат ва фаоллик даври бўлса, колган 14 йили кизил империя ва ленинча катагонлик сиёсати томонидан маънавий хўрланиш замони бўлди. Умрининг охириг икки йилида у харбийлаштирилган сиёсий бошкарма камокхоналарида ўз халки озодлиги ва мустақиллиги учун ўлимга карши тик туриб курашди. Бизларга насиб бўлган сиёсий ва миллий мустақиллик нашидаси унинг учун улкан армон бўлиб колса-да, у бу ёруг кунларнинг келишига комил ишонч билан шаҳид ўтиб жаннати бўлди.

Айтиш мумкинки, Мунаввар Корининг шўро давридаги кураши ва ҳаёти ойболта остида ўтди. Агар дастлабки икки-уч йили ҳисобга олинмаса, у коммунист-тик мустамлака даврида сира ҳам рўшнолик кўрмади. Доимо таъкиб ва кузатув остида яшади. Унинг ўзи ёзишича, октябрь тўнтаришидан сўнг комфирка олиб борган сиёсатга кўшила олмайди. Аммо у рус халкига нисбатан тўгри муносабатда бўлади. Унинг инкилобдан олдинги рус маърифатпарвар ва демократларининг гоёларидан вокиб бўлганлиги шубҳасиз, албатта. Шунинг учун ҳам у 1927 йилда жаҳидчиликни ҳимоя қилиб, Тошкент округи маданиятчилари курултойи минбаридан туриб ушбу оташин ва қалб сўзларини айтган эди: «...Бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоклар шу гапимга араз қилиб, «ол мамлакатингни, ўзинг идора қил» деса мен уларнинг оёғига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, Сизнинг бойингиз, уломойингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим» [7]. Шу ерда буюк рус демократлари рус ҳукуматининг бошқа қўшни халқларга нисбатан олиб борган босқинчилик сиёсати ҳақида айтган доно фикрларини эсламок ўринлидир. «Кимларки, — деган эди А. И. Герцен, — рус халқини рус ҳукуматидан ажрата олмас экан, улар ҳеч нимани тушунмай ўтадилар». Ф. М. Достоевский эса ундан ҳам ошириб, «Ҳақиқат Россиядан улугдир»[8] дейди.

Кўриниб турибдики, Мунаввар Корининг дунёкараши рус демократлари билан ҳамоханг

бўлган.

Мунаввар Корининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан 1917 йилдан то 1929 йилгача бир неча ижтимоий-сиёсий миллий ташкилотлар ташкил топади. Мунаввар Кори шўро ҳукумати ва коммунистик фирка миллий сиёсатининг ёлгончилиқ, маҳаллий манфаатга зид моҳиятини тушиниб етади. Шунинг учун ҳам у миллий ўзликни сақлаш ва миллий мустақиллик мафкурасини ҳимоя қилиш ҳамда раҳбар фирка ва ҳукумат органларини «миллийлаштириш» ишларини олиб боровчи расман ошқора ва яширин бир қатор ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий миллий ташкилотларга гоёвий раҳбарлик қилади. Масалан: «Кўмак» (1909—1923), «Иттиҳоди тараккий» (1917-1920), «Шўро исломия» (1917—1918), «Миллий иттиҳод» (1921-1925), «Миллий истиклол» (1926—1929), «Туркистон миллий бирлиги» (1920—1923). Булар шўро ёзма тарихига киритилмасдан яширин сақлаиб келинди, ҳужжатларда «аксилинкилобий», «аксилшўравий», «но-ҳалқчил» ташкилотлар сифатида қайд қилинди. Мунаввар Корининг камокхонада ёзган «Хотираларим» асарида шундай сўзлар бор: «Менинг ёзган китобларим ва мафкурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда қучли ҳужум бошланди... Табиий равишда, мен уларга тоқат қила олмадим. Шу сабабдан Тошкентни бутунлай тарқ этиб кетишга, Москвага бориб, у ерда қолган умримни ўтказишга... азму қарор қилдим». Шунини айтиш керакки, Мунаввар Коридек элга танилган, халқнинг маънавий отаси ва йўлбошчиси бўлган кишининг ўз Ватанидан беэтиб кетишга «азму қарор» қилганлиги осонликча бўлмаган, албатта. Дарҳақиқат, Мунаввар Кори 1926 йили Москвага кетади. У ердаги Шарқ халқларини ўрганиш институтида ўқиш ва илмий ишга қолишга ҳаракат қилади. Аммо уни «расмий йўлланма билан қабул қилиш» мумкинлигини айтиб, Тошкентга қайтаришади. Акмал Икромов Москванинг ўзида йўлланма беришга ваъда ҳам беради. Лекин ваъда ваъдалигича қолади. Мунаввар Кори Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлигидан «Сизнинг аризонгизни рад қилишга қарор қилинди, ўрнингизга бошқа киши юборилади» деган жавоб олгач, Афғонистоннинг Тош-кентдаги ваколатхонаси орқали хорижга ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Аммо бу амалга ошмайди. 1928 йили ёшларни миллатчилиқ руҳида тарбиялашда айбланиб Мунаввар Кори мактаб ўқитувчилигидан ҳам ҳайдалади. Ўзгина вақт Самарканд шаҳар музейида илмий ҳодим бўлиб ишлайди. Кейин Тошкентдаги Эскилик ва санъат ёдгорлиқларини сақлаш кўмитаси вакили лавозимида ўтказилади. Бу охириги иш жойи бўлиб, унда ҳам кўп ишлаш имкони бўлмайди. Уйда ишсиз ўтириб қолади. Унинг ўзи ёзишича, ҳар куни 9—10 соатлаб уйда қўлқоп ва пайпоқ тўқийди. Уларни сотиб тирикчилик ўтказди. Бу даврда унинг хотини Лаъзизахон тиббиёт билим юртида ўқиши сабаб, бирор жойда ишламас эди. 1928 йилнинг бошларида СССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошидаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Бельский Мунаввар Корини чақириб, жаҳидчилик ҳақида у пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача ёзиб қилишни талаб қилади. Шундан сўнг у, бир томондан, «бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тари-хий материал қолдириш» макседида, иккинчи томондан эса, ҳукумат олдида ўз «сиёсий мавқеини яхшилаш» умидида «Хотираларим»ни ёзишга кири-шади. Унинг Афғонистонга ўтиб кетиш макседидан қайтганлигининг сабабларидан бири ҳам мана шу бўлган эди.

Мунаввар Кори жаҳидчилик ҳақида пайдо бўлганидан бошлаб февраль инқилоби ва октябрь тўнтаришигача ҳамда шўро давридан иборат уч қисмда ёзиш режасини тузиб, Бельский ва Агидуллин (ГПУнинг кат-та ваколатли вакиллари)га кўрсатади. Уларга режа маъқул бўлади. «Хотираларим»нинг биринчи қисми ёзи-либ, иккинчиси ҳам тугай

деб колган бир пайтда ГПУ томонидан Мунаввар Кори камокка олинади. Ушбу воқеа 1929 йил 6 ноябрга тўғри келди. Бу кун бутун ўзбек зиёлилари учун тарихда қора кун бўлиб қолди. Чунки шу куни бирдан 26 нафар зиёли, ноябрь-декабрь ойларининг ўзида эса, 38 киши камокка олинади. Умуман, 1931 йилнинг бошларигача Мунаввар Кори бошчилигидаги «аксилинкилобий ташкилот» — «Миллий истиклол» аъзоларидан 87 киши озодликдан маҳрум этилади. Уларнинг ҳаммаси бир жиноий иш — РСФСР жиноий кодексининг 58-моддаси ва ундаги турли хил бандларда белгиланган «аксилинкилобий ҳаракат ва фаолият»да, яъни, бизнингча, миллий-озодлик ва истиклол ҳаракати ташкилотчиси ва фаоллари сифатида жиноий жавобгарликка тортилади. Мунаввар Корининг камокка олиниши вақтида уйда ўтказилган тинтув ҳақида унинг жияни (кичик акасининг ўғли) Мухаммадхон Муслумхон ўғли Абдурашидов шундай эслайди: «Уч ака-ука Аъзамхон, Муслумхон ва Мунаввархон бир ховлида жуда инок яшашган. Ховлимиз жуда катта эди. Амаким унинг ярмида янги усулдаги мактаб очиб, болаларни ўқитган. Бу мактаб шўро даврида бирин-кетин «Мухторият», «Биринчи май» ва «Ленин» мактаби деб аталган. Амакимларнинг катта хотини Мубораххон опокидан икки ўғли бўлиб, улар ёшлигида вафот этиб кетган экан. Шундан сўнг фарзанд ниятида амаким иккинчи хотини Лаъзизахонга уйланади. Улардан фарзанд бўлмаган. Эсимда бор, 1929 йили ноябрь ойлари бўлса керак, тонг отар чоғида ховлимизга ГПУнинг қуролланган ходимлари бостириб кирди. Уларнинг бир қисми ховлидан ҳеч қимми ташқарига чиқармай, ҳатто хожатга борганлар орқасидан ҳам кузатиб турди. Бошқалари эса, уйда тинтув ўтказиб, жуда кўп китоб, газета, кўлёзма ва расмларни қоплаб олди. Тинтув эрта тонгдан номози асргача давом этди. Сокчилардан бири томга чиқиб тинтув ўтказиш вақтида чийлампа қилиб қўйилган айвон шипига осилиб қолгани эсимда. Унинг танасининг бесўнақайлиги ҳозир ҳам кўз олдимда турибди» [9]. Бу ўша вақтда ўн яшар бўлган, кейин эса коммунистик катагонлик мавсуми даврида 8 йил қамалиб ундан озод бўлганидан кейин ҳам узок йиллар ўз Она шаҳри Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган миллатпарвар ажойиб бир инсоннинг хотираси [10]. Мунаввар Кориға қамокхонада одатдагидан бошқачароқ тергов усули қўлланилади. Дастлабки пайтларда унга жаҳидчилик ҳақидаги «Хотираларим»нинг учинчи қисмини ёзиб тугатиш учун «қулайлик» яратилади. Мунаввар Кори ва унинг шерикларини сўроқ қилиш бир йилдан ортиқ давом этади. Нихоят Мунаввар Кори бошлик 87 кишининг «жиноий иши» 1931 йил 25 апрелда Москвада СССР Халқ Комиссарлари ҳузуридаги Бирлашган сиёсий бошқарманинг (судлов) коллегияси мажлисида қўрилади. Айзенберг деган қимсаннинг 20 минутлик маърузаси бўйича 87 кишидан 15 таси, шу жумладан, Мунаввар Кори ҳам олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Қолганлари узок муддатли сургунга юборилди. Уларнинг аксарияти сургундан қайтиб келмай, совук ўлкаларда ҳалок бўлди. Мунаввар Кори қачон ва қаерда қатл қилинган? Бу саволга ГПУ ходимларининг ўзлари ҳам кейинчалик аниқжавоб топа олмаган. 1957 йили коммунистик катагон даври сирлари очила бошлагач, 87 киши ҳақидаги тергов ҳужжатлари қайта ўрганилиб, улардан фақат 26 кишигина Ўзбекистон ССР Олий судининг Восикова раислигида ўтган яширин судлов коллегиясида (5 сентябрда) оқланади. Шу коллегияга тайёрланган ҳулоса (ҳужжат)да шундай сўзлар ёзилган: «Абдурашидхонов М. К., Тиллахонов С, Икромов Г., Каримов М., Мусабоев Т., Максудов Т. Х., Шорахмедов Н. ва Ахрорий С. А. ҳақидаги ҳукм қачон ижро этилганлигини текшириш жараёнида аниқлашнинг иложи бўлмади». Шуни айтиш лозимки, бу ҳур фикрли зотларнинг тақдиру қачонлиги маълум. Истиклол қурбони бўлди.

Аммо уларнинг шахид бўлган куни, муборак кони тўкилган жой — пок хоклари макон топган азиз замин ҳамон аник эмас.

Шу нарса маълумки, «Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сониди Мунаввар Кори ва яна тўртта ватандошимиз Москвада отилгани хакида хабар босилди. Лекин шунга карамай, бошка маълумотлар бу тўғрида хали жиддий илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш зарурлигини такозо этмокда. Хужжатлардан маълумки, кўп кишилар камокхонадаёқ халок бўлган.

Мустабид ва шовинизм боткогига ботган коммунистик сиёсат ўз миллати, Ватани озодлиги, мустакил бўлиши учун курашган Мунаввар Корини ном-нишонсиз йўқотиш, тарихдан ўчириб ташлашга ҳаракат килди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Чунки, у ўз халқи калби қаърида, тарих саҳифаларида абадийликка муҳрланган эди. Бошқача айтсак, Мунаввар Корининг ҳаётий фаолияти, тарихий хизмати ҳақиқат ва адолат мисол чопса чопилмас, кўмса кўмилмас, ёкса ёкилмасдир.

Биз ҳозирги пайтда Президентимиз Ислон Абдуганиевич Каримовнинг улкан саъй-ҳаракати ва жасорати ила тобора мустаҳкамланиб бораётган истиклол, ижтимоий адолат ва демократия шарофати билан Мунаввар Кори «Хотираларим» асарининг учинчи қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Асар жаҳидчилик ҳаракати ва унинг кураш фаолияти ҳамда коммунистик фирканинг унга қаратилган сиёсатига бағишланган. Унинг ёзилиши хакида Мунаввар Корининг ўзи асарининг учинчи қисмидаги «Менинг сиёсий бошқармага берган ваъдам» бўлимида тўла маълумот беради.

Бу ерда азиз китобхонларни масаланинг бошка бир томони хакида оддиндан огоҳ қилмоқчимиз.

Асарнинг бизнинг қўлимиздаги қисми ўзбекчадан рус тилига таржима. У ўзбекча «Хотираларимдан» деб номланган. Шу боисдан биз унинг тўла номи «Хотираларим» бўлса керак деган тўхтамга келдик.

«Хотираларимдан»да жаҳидчилик ҳаракати ва жаҳидларнинг шўро давридаги кураши хакида, шу вақтгача бизлар билмаган тарихий воқеа ва хужжатлар ўрин олган. Бу хужжат 1929 йил ноябрь — 1930 йил июль ойларида камокхонада ёзилган ва муаллифнинг устидан қаттиқ ҳукми чиқарилиши учун асосий айбнома бўлган. Унинг бош қисмида Мунаввар Кори терговчиларни биров қалғитишга ҳаракат қилади. Бирок, бунинг иложи бўлмаслигини англаган ҳолда, дарҳол бор ҳақиқатни очик-ойдин ёзади. Буни Мунаввар Кори «сирни» очиб, ўзи ва бошқаларнинг умрига завола бўлган экан, деган маънода тушунмаслик керак, албатта. Чунки, у мустабид коммунистик сиёсат исқанжасидан ҳеч қим омон қолиб, чиқиб кетаолмаслигини, шунингдек, коммунистик ҳукмронлик ҳам узокка бормаслигини яхши билган. Шунинг учун миллат ва Ватан озод бўлиб ўз истиклолини қўлга киритишига ишонч ҳосил қилган ҳолда бор ҳақиқатни тарих учун, келажак авлод учун онгли равишда тўғри баён қилади.

Камокхонадаги маҳбусларни ҳам маҳсус мурожаатнома ёзиб, уларни бор ҳақиқатни очик-ойдин айтишга даъват қилади. «Маҳбусларга қарата ёзган мурожаатимда, — дейди Мунаввар Кори, — уларни менинг йўлимдан бориб терговга тўғри жавоб беришига ҳақирдим». «Миллий истиклол» ташкилотининг фаолларидан бири Салимхон Тиллахонов эса терговга берган маълумотида шундай дейди: «Мунаввар Кори қамалишидан 2—3 ой олдин ташкилотнинг ҳар қил кишилар қўлида сақланаётган архивини тўплаш зарурлигини менга айтиб бу архив материалларини эътибордан четроқда бўлган қишлоқларга тарих учун яшириб қўйишни уқтирган эди».

Ҳозирча, «Хотираларимдан» миллатга маънавий ота бўлиб мустақиллик учун ўзини

аямай, халким деб ҳақ йўлида тик туриб шаҳид бўлган Мунаввар Кори ижодий меросининг бирдан-бир каттагина парчаси, холос.

Биз бу жаҳидчилик ҳаракатининг шўро давридаги фаолиятига оид топилдик ҳозир ҳақиқат нуқтаи назаридан қайта тикланаётган она тарихимиздаги «ок» ва «кора» доғларнинг тугатилишига биров бўлса ҳам ҳисса қўшади деган умиддамиз. Шунинг учун ҳам уни ўз аслиятида бўлмаса-да, русчадан ўзбекчага ағдариб, азиз китобхонлар билан бирга баҳам қўришга шошилдик. Шунингдек, китобни мутолаа қилиш пайтида у қандай шароит ва сиёсий муҳит ҳамда мақсадда ёзилган-лигини ҳам унутмаслик керак.

Сотимжон Холбоев

ХОТИРАЛАРИМДАН

МКНИНГ СИЁСИЙ БОШКАРМАГА БЕРГАН ВАЪДАМ

Бу 1928 йилнинг бошларида бўлган эди. Мени бошлик (СССР Бош сиёсий бошкармаси бўлимининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги бошлиги) ўрток Бельский ўз олдида чақириб, жаҳидимиз пайдо бўлганидан буён бўлиб ўтган воқеаларни кенг ва ҳужжатлар асосида ёритишимни алоҳида огоҳлантирди. Менга саволлар битилган бланка берди. Ундаги саволларнинг бир қисмига ўзим жавоб бераолмасамда, иккинчи қисмига эса бошқаларнинг ёрдамисиз жавоб бериш анча мушкул кўринди.

Унинг таклифини мен катта қувонч билан қабул қилдим, чунки шу баҳонада бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тарихга молик бирор нарса қолдириш мумкинлиги тугилди. Шу билан бирга бу ишни бажарсам менинг ҳукумат олдидаги сиёсий мавқеим яхшиланармикан деган умид ҳам пайдо бўлди. Афғонистонга кетмаслигимга, биринчидан, Бачи Соков кўзғолони, иккинчидан эса мана шу таклиф сабаб бўлган эди. Ёзмакчи бўлганларимнинг режасини тузиб, ўрток Бельскийга кўрсатдим. Бельский ва Агидуллин мен тузган режани мақсадга мувофиқ деб маъқуллади. Режада мен ёзиладиган хотирани уч даврга бўлган эдим. Биринчиси жаҳидизм пайдо бўлганидан то

февраль инкилобига, иккинчиси февраль инкилобидан октябрга, учинчиси эса октябрь инкилобидан ушбу хотиранинг тугашига эди.

Мана шу режага кўра ўз хотираларимни ёзишга киришдим. 1929 йилнинг бошида унинг биринчи қисми, яъни 1917 йилга бўлган хотираларимни ёзиб топширдим. Иккинчи қисмини 1929 йили ёзишга киришдим. Аммо менда ёзиш учун вақт жуда оз эди, сабаби, бу вақтда мен ишсиз эдим. Менинг оиламда ўзимдан бошқа бирорта ҳам ишлаб пул топадиган киши йўқ эди, хотиним эса бу вақтда (тиббий билим юртида) ўқир эди. Хар кун ишда 9—10 соатлаб ўтириб, пайпоқ ва кўлпоқ тўқиш ва шу билан 2—3 сўм пул топиб оила тебратишга мажбур бўлдим.

Шундай ўта бир чекланган пайтда мен хотираларимни тез орада ёзиб тугата олмаслигим ўз-ўзидан аён эди. Шунинг учун (1929 йилнинг августларида бўлса керак) бу тўғрида Сийосий бошқарманинг Шарк бўлими бошлиғи ўрток Агидуллинга мурожаат қилиб, ўзимнинг оилавий ахволим ҳақида очик-ойдин сўзлаб бердим.

Агар хотира ёзишни тез орада тугатиш зарур бўлса, менга ёрдам беришлари кераклигини айтдим. Шунда у «Сизга қандай ёрдам бермоқ керак?» — деб сўради. Унга эса мен шундай дедим: «Менга маънавий ёрдам керак. Мен нафақа олиш учун ариза берганман. Агар сизлар томондан биров таъсир бўлса мен нафақа оламан. Бу билан менинг ҳаётим бировзига бўлса ҳам таъминланади».

Ўрток бошлиқ ёрдам беришга ваъда бериб, ёзганларимни оз-оздан бўлса-да, кўрсатиб туришимни талаб қилди. Бу пайтда мен иккинчи қисмни охирига қўйган эдим.

Бошлиқнинг буйруғи билан мен бу қисмни тугалланмаган бўлмаса ҳам унга топширдим.

Ўрток бошлиқнинг ёрдами кутиш билан бирга учунчи қисм учун материал излаб бошладим. Аммо менинг камокка олинишим сабабли бу амалга ошмай қолди.

Мен октябрь инкилоби арафасида ташкил топган «Иттиҳоди тараккий» (11)

(Тараккийпарварлар жамияти) ҳақида ёдимда қолганларини олдин ёзиб берган эдим.

Жамият дастурини Усмонбек билан Хайдар Афандилар (12) тузган. Мен уни (туркчадан) ўзбек тилига аударганман. 1917 йил августининг охирида бўлса керак, менинг уйимда тараккийпарварларнинг Усмонбек раислигида бўлиб ўтган йиғилишида бу дастур қабул қилинди. Йиғилишда уч кишидан иборат раёсат ҳам сайланди. Унга раис қилиб Усмонбек, раҳбар бўлиб эса Хайдар Афанди сайланди. Учунчиси маҳаллий кишилардан бўлиши керак эди. Уни танлаш Усмонбек билан Хайдар Афандининг ўзларига топширилди. Мен октябрь инкилобига бу жамият ишида қатнашиб қолдим. Рухонийлар ила бу жамият орасида қелишмовчиликлар бўлиб турар эди.

Давлат (шаҳар) думасида бизлар эсер ва социал-демократлар билан иттифок тузган бўлишимизга қарамай, рухонийларнинг вакиллари кўпчилиқни ташкил этарди. Жамият октябрь инкилобидан кейин ҳам ўз ишини давом эттирди. Унинг аъзолари, дастурда кўрсатилгандек, бизнинг манфаатларимизга қарши бўлмайдиган ҳамма фиркаларга кириш ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун баъзи бировлар большевойлар, бошқалар эса эсерлар фиркаларига кирди. Мен ҳам бирор фиркага кириш истагида Хайдар Афанди орқали раёсатдан ижозат сўрадим. Раёсат менга ҳали ҳукумат мустаҳкам эмаслиги ва унинг яшаб қолиш-қолмаслиги дарғумон бўлиб турганлигини баҳона қилиб, биров сабр қилишни маслаҳат қилди.

Бу вақтда мен маориф соҳасида ишлар эдим. Шундай қилиб, мен 1919 йил, яъни январ воқеаларига (13) шу жамият раҳбарлигида бўлдим. У ўтган вақт давомида шўрога қарши фаолият кўрсатган эмас, аксинча ўз режаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун Шўро ҳукумати тини энг муносиб ҳукумат деб билади. Жамиятнинг режалари қуйидагилардан

иборат эди:

- 1) ёшларни аъзоликка жалб килиш;
- 2) рухонийлар билан кураш олиб бориш (14);
- 3) окларни аниклаш ва уларни имконияти бўлганида ҳукумат кўлига топшириш;
- 4) мактаб ишларини тартибга солиш;
- 5) турк харбий асирларига ёрдам бериш ва уларни мактабларга ишга жойлаштириш.

Боку турклар томонидан босиб олинганидан кейин бизнинг «Иттиходи тараккийпарвар» жамиятимиз «Иттиходи тараккий» деб номланди. Охириги «парвар» сўзи олиб ташланди. Энди эса бу уюшма тараккийёт маъносини олади, олдин тараккийпарварлар уюшмаси эди. Шунинг учун кўпчилик бунга жиддий аҳамият бермайди, чунки жамият номига олдин ҳам «парвар» сўзи кўшиб айтилиши керак бўлса-да, «Иттиходи тараккий» деб номланар эди. Мен бу ўзгаришнинг сабабини сўраганимда Хайдар Афандим шундай деб тушунтирди: «Боқуни «Иттиходи тараккий» жамиятини бошқарувчи турклар эгаллади. Шунинг учун алоқа килиш осон бўлишини назарда тутиб, жамиятни «Иттиходи Тараккий» деб номладик». У яна олдинги раис Усмонбек кетиб қолганлиги, унинг ўрнига «Иттиходи тараккий» тарафдори бўлган Зиябек қолганлигини ҳам айтди...

Менинг окларга қарши олиб борган ишларимдан бири: 1918 йилда бир куни менинг олдимга Назаров С. исмли ўрис келиб, бир неча кун жой бериб туриш, деб илтимос қилди. Мен рози бўлдим. У меникида икки кун турди. Бу орада менга унинг шўро ҳукуматида қарши қилиш эканлиги маълум бўлди.

Ҳукуматнинг амалдаги қонунига асосан, мен бу тўғрида шўро вакилига хабар бердим. Бу пайтда Эски шаҳар кўшин (отряди) бошлиғи Низомиддин Хўжаев эди. Уни бошқа хонадонга (квартирага) кўчириш бахонасида бир қулатувчи билан шаҳарга жўнатдим. Хадра-да уларни Низомиддин Хўжаевнинг одамлари қутиб турар эди. Шу ерга қелганида қулатувчи ишорасига кўра Назаров қўлга олинди.

Бир неча воқеалар бўлиб ўтганидан кейин, ҳаммада шўро ҳукумати мустақамланиши ва яшаб қилишига тўла ишонч ҳосил бўлгач, жамият ҳаёти ва унинг қелажақда иш олиб бориш-бормаслиги масаласи бизларни қизиқтирмай қўйди. Бунга зарурият ҳам йўқ эди. Мен большевиклар фирқасига қилишга қарор қилдим. Жамият раёсати бунга қаршилиқ қилмади, аксинча қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди: «Шўро ҳукуматининг яшаб қилишига шубҳа барҳам топиши муносабати ҳамда жамиятнинг қояларини (гафлатга қарши маданият учун кураш) ҳукумат билан иттифокда амалга ошириш осон ва мақсадга мувофиқ эканлиги туфайли у тугатилсин, унинг аъзолари Мунаввар Кори ва бош-қаларга бошланган ишни давом эттириш учун боль-шевойлар фирқасига қилишга рухсат этилсин!» (15).

Шу пайтдан бошлаб мен жамиятдан чиқиб, фирқа сафига қирдим. Жамиятнинг тарқалиб қетишига қуйидагилар ҳам сабаб бўлди:

- 1) Аъзолар ўртасида интизомнинг бўшашиб қетиши;
- 2) Туркия мағлубиятга уч-раши билан «Иттиходи Тараккий» тарафдорларининг раҳбарлик лавозимларидан олиб ташланиши;
- 3) Маблагнинг йўқлиги;
- 4) Жамият раёсати ва аъзоларига нисбатан ишончсизлик муносабатининг қучайиши.

Ҳозирда унинг дастлабки пайтларидан иш бошлаган қишлоқлардан мендан бошқа бирортаси ҳам қолмади. Унга кейинги пайтларда қишлоқлардан қуйидагиларни қиламан: Саъдулла Хўжа, Отахон (16), Убайдулла Хўжаев (17). Жамиятнинг Тошкентдаги аъзолари кўп эмас эди. Уларнинг сони 50 га етмасада, обрўси жуда юқори даражада

бўлган. Жамият таркалганидан факат унинг аъзоларигина хабардор эди. Шунинг учун ҳам ундан кўпчилик кишилар беҳабар бўлган.

ЯНВАРЬ ВОКЕАЛАРИ ВА «БИРЛИК» УЮШМАСИ

Январь вокеалари муносабати билан уламолар фир-каси бир неча соат хокимиятни ўз кўлларига олиб, галаба козонди. Бу имкониятдан улар бутунлай тараккийпарварлардан ўч олиш учун фойдаландилар. Та-раккийпарвар большевойлар фиркасига аъзоми, аъзо эмаслиги сўраб суриштирилмай, излаб топилиб кал-такланаверди.

Бу шуни кўрсатдики, тараккийпарварлар билан большевойлар фиркаси аъзоларининг манфаатлари бир-бирига якин. Шунинг учун «Бирлик» уюшмасини ташкил этиш лозим деб топилди. Бу тараккийпарварлар аъзоларидан фиркага кирган ва кирмаганларни бирлаштирар эди. Эски шаҳардаги босмахона (ўша пайтда штаб эди) биносида уч юзга якин киши, фирка аъзолари, фиркасиз хизматчилар ва тараккийпарварлар тўпланиб, «Бирлик» жамиятини ташкил этдилар (18).

Бу йигилишда бир-биримизга ёрдам беришга кели-шиб олдик. Бирлашишдан мақсад ёшларни большевойлар фиркасига жалб қилиш ва уларни турли қутилмаган воқеаларга тайёрлашдан иборат эди...

Жамият 2—3 йил яшади. Ёшларнинг кўпчилиги фиркага кирганидан кейин, у ўз-ўзидан тугаб кетди. Энди унинг учун зарурият ҳам қолмаган эди. Шу вақтда Москвадан Мустафо Субхий, Мавлавий ва Габировлар келди. Улар Шайхонтохурда катта митинг чақириб, «Шарқ озодлиги» уюшмасини ташкил этади. Бунга фирка ва фиркасизлар аъзо бўлади. Бу жамият шўро ҳукуматини қўллаб-қувватловчи руҳда ташвиқот олиб бориб, уни омма билан яқинлаштириш ва мусулмонларни Эрон, Афғонистон, Хиндистон олдига обрўсини қўтаришга ҳаракат қилади.

Жамият дастурини ўқиган эмасман, шунинг учун унда нима ёзилганини билмайман. Жамиятга Мустафо Субхий бошчилик қилган.

VIII КУРУЛТОЙ ВА «МИЛЛИЙ ГУРУХ»

«Иттиходи тараккий» таркатилганидан кейин тараккийпарварларнинг кўпчилиги фиркага кириб сидкидилдан ишлай бошлади. Бу вақтда ҳозиргидек синфий онг унча ривожланмаган эди. Ўрисларнинг ўзи маълум даражада мустамлакачилик кайфиятида бўлдилар.

Маҳаллий коммунистларга марказдан юборилган Кобозев (19) раҳбарлик қилди. Шу пайтда VIII курултой чакирилди (20). Унда маҳаллийлар билан овруполиклар ўртасида душманлик муносабати пайдо бўлди. Фаоллар ва «миллий»лардан иборат икки гуруҳ юзага келди. Биринчи гуруҳни Казаков, иккинчисини эса Ко-бозев бошқарди. Хар бир гуруҳнинг ўзи алоҳида-алоҳида мажлис чакирди. Кобозев маҳаллийларга, Казаков оврупаликларга раҳбарлик қилди. Бу пайтда Оренбург темир йўли тозаланиб, ҳукумат вакиллари кела бошлади. Кобозев галаба қозониб, жумҳурият раиси бўлди. Марказдан Элиава бошчилигида Турккомиссия келди. Маҳаллий коммунистларнинг руҳи анча кўтарилиб, ишга киришиб кетди. Аммо бу кўрсатилган миллий гуруҳнинг «миллий» номи Москвага янги ҳукумат таркиби миллатчилардан иборат деган хулоса чиқаришга баҳона бўлди. Шунинг учун ҳам бироздан кейин унга хужум бошланиб, оқибат натижада таркатиб юборилди. Бир гуруҳ коммунистлар «Рискуловчилар» деб номланиб, қувгин қилина бошланди. Командировкага юбориш баҳонасида ишдан бўшатиш қучайди. Мен бу вақтда Маориф Халк Комиссарлиги аъзоси ва турк бўлими раиси бўлиб ишлардим. Бошқалар катори мен ҳам ишдан олиндим.

Менимча, «раҳбарликдаги ташкилотлар» деган фалсафанинг маъноси мана шундан иборат. Аслида эса, бу пайтда коммунист ва коммунист бўлмаган хизматчилар орасида ҳеч қандай «ташкilot» йўқ эди. Ҳамма софдиллик билан хизмат қиларди. Юқорида кўрсатилган ҳукумат таркибидагилар таркатиб юборилганидан кейин маҳаллий коммунистларнинг ўрисларга нисбатан муносабати ёмонлашди. Энди уларнинг ҳамма орзу-умидлари марказдан келадиган Турккомиссияга қаратилишидан бошқа иложи йўқ эди.

ШАРК ХАЛКЛАРИ КУРУЛТОЙИ ВА АНВАР ПОШО БИЛАН БЎЛГАН ВОКЕА

Бу вақтда Шарк халкларининг Курултойи (21) чакирилди. Унга турли миллатлардан фиркали ва фиркасиз делегатлар сайланиб, Бокуга Гиллер рахбарлигида юборилди. Гиллер йўлда ўзини ёмон тутди. У ўз котибаси билан алоҳида купени эгаллаб, ўзларига 3—4 хил таомдан иборат яхшигина нонушта ва тушликлар буюрар эди. Бошқа делегатларга эса бу вақтда факат биттадан таом бериларди. Шу туфайли ҳамма делегатлар унга нафрат билан қарайдиган бўлдилар. Бокуда курултой очилишига тайёргарлик қўрила бошлади. Хар қайси давлат делегатларига ўз ораларидан раёсат ва фракция аъзоларини сайлаш топширилди.

Иккинчи куни Зиновьев (22) курултойга ўзи билан бирга Анвар пошони (23) олиб келди. Курултойда Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари ҳам катнашади.

Делегатларнинг кайфияти жуда юкори эди. Эрон, Афғонистон ва Туркияда шўро ҳокимияти ўрнатилади, деб ишонарди ҳамма. Зиновьевни кутиб олиш учун чет эл делегатларидан бошқа ҳамма вокзалга чиқди. Унинг поезде мусикалар остида, тантанавор кутиб олинади, ҳамма у билан учрашиш ва фикр алмашиш умидида эди. Аммо у узокдан туриб саломлашгач, автомобилга ўтириб шаҳарга жўнаб кетади. Бундан кўпчилик норози бўлиб қолди.

Иккинчи куни фракциялар мажлиси бўлди. Курултой раёсатига Рискулов (24) ва мен кирдим. Шу сабабли курултой охиригача Зиновьев билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келди. Курултойнинг биринчи мажлиси жонли ўтди. Делегатлар номидан Англияга норозилик эълон қилинди. Анвар пошонинг курултойда катнашиши албатта сезилиб турди. Курултойда маъруза вақтида ҳам делегатлар навбат билан унинг ложасига кириб, қўлларини ўпиб, тавоф қилдилар. Анвар раёсатга мурожаат қилиб, сўз сўради. Бу масала икки кун муҳокама қилинди. Курултой ва фракциялар кенгашларида Анвар пошо илтимосига рад жавоб қилинди. Шундан сўнг у ёзма равишда илтимос қилди. Афанди Зода Анвар пошонинг илтимосини курултой ахлига ўқиб эшиттирди. Шу туфайли Зиновьев билан раёсат ўртасида сезиларли ихтилоф юзага келди. Зиновьев ўзи Анварни курултойга бошлаб келиб, унга сўз бермай, жуда катта хатога йўл қўйди. Шундан сўнг делегатлар билан учрашув вақтида ҳам Зиновьев улар билан дўстона муносабатда бўлмади. Бу ҳолат эса чет эл ва шўро ҳукумати делегатларининг унга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. Хурмат-эҳтиром ва самимият бутунлай йўқолди. Туркистон делегатлари ҳам Зиновьевдан норози бўлдилар. Курултой ўз ишини Шарк халклари кенгашига вакиллар сайлаш билан тугатди. Мен ҳам бу кенгаш таркибига кирдим. Курултой ёпилгандан сўнг Туркистон коммунистлари Рискуловдан нима учун ишни ташлаганлиги тўғрисида баёнот беришни талаб этди. Рискулов бу тўғрида Зиновьев иштирокида бўлиб ўтган йигилишда маъруза қилди, у айтилган сўзларни асосли деб тан олди. Шу йигилишда Москвага делегация юбориладиган бўлди. Делегация таркибига Рискуловнинг ўзи ва Жўрабоев кирди.

Улар Москвага жўнаб кетди, бизлар эса Тошкентга кайтдик.

Бокудалигимда Анвар пошо билан икки марта учрашдим (25). Биринчи марта курултой мажлисида мен раёсатда икки-уч киши билан ўтирган эдим, Анвар индамай келиб, ўз илтимосномасини менга берди. Орамизда ҳеч қандай сўзлашув бўлмади. Унинг хатини мен Зиновьевга бердим. Иккинчи марта уни Догистон вакиллари ва бир неча туркистонликлар жойлашган денгиз киргогидаги уйда кўрдим. Бир куни Анвар пошо келиб араб тилида суҳбат ўтказди, деган хабарни эшитиб, уни иккинчи каватда кутиб турдик. Бироздан сўнг Анвар пошо келиб, бизлар билан 15 дақиқа суҳбатлашди. У айтдики, шўро ҳукумати Шарк халқларининг фойдасига катта ишларни қилмоқда. Шунинг учун ҳам уни кадрлаш ва қўллаб-қувватламок лозимдир. Яна у шўро ҳукуматидан фойдаланиб, ўз болаларингизни ўқитингиз деб бизга маслаҳат берди.

Заки Валидий билан мен бир марта учрашдим. У курултойга қўйилиши тўғрисидаги ўз аризасини Зиновьевга беришимни мендан илтимос қилди. Мен рад этдим, кейин у буни Жонузоков орқали амалга оширди. Эшитишимча, Зиновьев хатни жавобсиз қолдирган. Бизлар Тошкентга қайтиб келдик. Бу пайтда фирма курултойи (26) бўлаётган эди. Мен бу курултойга Шарк халқлари кенгашидан делегат қилиб белгиланган эдим. Бу тўғрида фирма курултойига телеграф орқали хабар берилган.

Фирма курултойида бизнинг вакил Гиллер Шарк халқлари курултойи яқунлари тўғрисида маъруза қилди. У Боку йўлида делегатлар билан ўзи ўртасида бўлган келишмовчиликларга ҳам тўхталди. Хамма айбни делегатларга ағдариб, уларни миллий оғмачиликда айблади. Шунинг учун бўлса керак, фирма курултойи иши давомида менга Шарк халқлари кенгаши юборган телеграмма тўғрисида хабар берилмади. Телеграммани мен курултойдан кейин Бухорода олдим.

БУХОРО ВОКЕАЛАРИ

Биз Бокудалигимизда Бухорода инкилоб бўлди. Амир қочиб кетди. Ҳокимият ёш бухороликлар қўлига ўтди. Бу вақтда Туркистонда гуруҳбозлик қучли эди. Гох улардан бири, гох иккинчиси галаба қиларди. Мағлуб бўлганларни қолиблар Хоразм ва бошқа шу каби ўлкаларга юборишарди. Буни бизлар «фахрли бадарга» деб атардик.

IX курултойдан (27) сўнг Рискулов гуруҳи бутунлай енгилди. Тўракулов (28) гуруҳи галаба қилди. Бизлар (Рискулов тарафдорлари) мағлублар қаторида «командировка»

олишимиз керак эди. Шу сабабли Бокудан кайтганимдан кейин мени Шохид Ахмадиев Маориф Халк Комиссарлигига чакириб Бухоро Халк Маорифига, Кори Йўлдош ихтиёрига юборди. Мени у коллегия аъзоси килиб тайинлади. Шу билан бирга менга Бухорони озик-овкат билан таъминлаш вазифасини ҳам юклади. Вазифам аник бўлгач, мен Тошкентдан оиламни кўчириб келиб ишга киришиб кетдим. Орадан тўрт ой ўтгач, адашмасам 20 март бўлса керак, Туркистон МИК мени Тошкентга кайта чакириб олиб, илмий кенгаш аъзоси килиб тайинлади. Бир неча кундан кейин, 31 март куни Тошкентда бошқалар катори мени ҳам камокка олишди.

БУХОРО ВОКЕАЛАРИ ХУСУСИДА

1920 йили Бухоро арки олдидаги майдонда октябрь байрамига багишланган катта митинг бўлиб ўтди. Марказ вакили (Куйбишев бўлса керак) нутк сўзлаб, Москва мустакил Бухоро Халк жумхуриятини тан олганлигини тантана билан эълон қилади. Ундан сўнг сўзга чиккан Мирза Кори Мухиддинов митинг бўлиб турган майдон «Бухоро мустакиллиги майдони» деб номланганлигини эълон қилади.

Файзулла Хўжаев октябрь байрами ва Бухоро мустакил бўлганлиги билан табриклаб нутк сўзлайди. Шу кундан бошлаб ёш бухороликлар «мустакиллик» сўзини тез-тез қўллайдиган бўлдилар ва унга эришишга ҳаракат қила бошладилар.

Бухороликлар орасида норозилик кучайиши туфайли Турккомиссия Бухоро ички ишига аралашмайдиган бўлди. Бухороликлар «бу инкилобми ёки босиб олишми?» деб сўрардилар. Бу норозилик тобора авж олади. Бирмунча вақт ўтгач, Бухорога Турккомиссия аъзоси Сафаров келади (29). У мени Ревкомга чакириб, Бухоро ходимлари орасидаги вазият хақида сўради. Бу ерда бош кўмондон Зиновьев ва таржимон Еникеев ҳам бор эди.

Сафаров мендан бухороликлар инкилобга қандай муносабатда эканликлари ва Шаркий Бухороликлар нима учун амирни қўллаб-қувватлаётганликлари сабабини ҳам сўради. Мен ҳеч нимани яширмай, бухороликлар мустакилликка интилаётганликлари ва улар ҳозирги аҳволдан норози эканликлари, шунинг учун улар «бу инкилобми, ёки босиб олишми?» деган саволни ўртага ташлаётганликларини айтдим. Мен яна шуни ҳам таъкидладимки, Шаркий Бухорода (Кизил Армия) бўлинмалари отларни масжидларга боғлаб қўйиб, ўзлари эса уйма-уй юриб талончилик билан шугулланмоқда. Шундан сўнг

Сафаров Ревком мажлисини чакириб, ҳукумат вакиллари каттик ҳақорат қилади. Сафаров жўнаб кетганидан сўнг ҳукумат вакиллари ўзаро йигилиш ўтказиб, Москвага хат ёзади. Унда агар Сафаров ўз муносабатини ўзгартирмаса, бизлар ҳаммамиз ишладан бош тортамиз, деб огохлантирилади. Москва бу огохлантирувчи олганидан сўнг Сафаровга Бухоро ички ишларига аралашмасликни тавсия этади. Мазкур воқеалардан сўнг Бухорода турклар раҳбарлигида «Бухоро истиклоли» жамияти ташкил топади.

Бу жамиятнинг асосий мақсади унинг арбобларидан бири Хошим Шоикнинг сўзларига кўра, қуйидагилардан иборат бўлган: Бухоро мустиқлиги ва инқилобчилигини ҳимоя қилиш, иккинчидан эса, Шарқий Бухоро ва қишлоқлар оммасини жамият номидан инқилобий ҳаракат билан боғлаш, чунки бу вақтда Бухорода коммунизм номидан иш олиб бориши мумкин эмас эди. Мен Хошимдан жамият орқасидан қим эргашади, деб сўраганимда, у шундай деб жавоб берди: «Бухоро мустиқлиги ва инқилобчилигига меҳр-муҳаббати бор бўлган барча бухороликлар».

1929 йил 18 декабрь

Менинг ёзган китобларим ва мафқурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда қучли ҳужум бошланди. Буларнинг айримларида бир оз ҳақиқат бўлса-да, қўпчилиги ҳеч қандай асосга эга эмас эди. Табиий равишда, мен уларга тоқат қилолмадим. Шу сабабдан Тошкентни бутунлай тарқ этишга, Москвага бориб, у ерда қолган умримни ўтказишга, рус тилини ўрганиб, бирор иш билан шугулланишга азму қарор қилдим.

1926 йилнинг охирида ўз оилам билан расман алоқани узиб, Москвага жўнаб кетдим. Йўл-йўлақай, Қизил Ўрдада тўхтадим. У ерда ўрток Рисқуловни учратиб, унга ўз мақсадимни айтдим. У менинг мақсадимни маъқуллаб, ёрдам беришга ваъда қилди. Шундан сўнг Қозон ва Нижний Новгород орқали Москвага келдим. Бу ерда Тўрақулов билан учрашдим. У ҳам менинг Москвада яшаб қолишимни маъқуллади. Шу орада (Туркистон) Халқ Комиссарлари Қенгаши раисининг ўринбосари Рисқулов Москвага келди.

Уларнинг ёрдамида мен Шарқ халқларини ўрганиш қўмитасида ишлаш ва унинг институтида ўқишга қарор қилдим. Қўмита раёсати мени яхши қабул қилди. Мени Ўзбекистонга ажратилган ўқув жойдан бирида расмий йўлланма билан қабул қилишмоқчи бўлди. Қўмита раиси бу пайтда Москвада бўлган Акмал Иқромовга хат ёзиб, менга махсус йўлланма беришини илтимос қилди. Ўзим ҳам Акмал билан шахсан учрашиб, ёрдам беришни илтимос қилдим. Мен Акмал Иқромовга Ватандан ташқарида яшашга қатъий қарор қилганлигимни ва энди ҳеч ҳам Ўзбекистон тупроғига қадам қўймаслигимни айтдим. А. Иқромов эса, шундай деди: «Агар Сизнинг Ўзбекистондан бадарга бўлишингизга зарурият бўлганида буни биз ўзимиз амалга оширган бўлар эдик. Сиз Ўзбекистонга қайтинг. Мен ўзим Сизга йўлланма топаман».

Бу вақтда менинг «миллатчи» сифатида бадном қилган ўша ватан ва ўша миллатдан бутун умрга алоқани узиб, шўро ҳукумати пойтахтида яшаш, қўлимдан қилганича илмий иш билан машғул бўлишга ва ниҳоят шу ерда қозо топишга қарор қилганлигим қатъий ва узиқ қесил эди (30). Шу мақсад учун расмий равишда ўз оилам билан алоқани узган, ҳовлимни оила аъзоларимга бўлиб берган, шунингдек, унинг бир қисмини эса маориф учун хайру эҳсон қилган эдим.

Икромов берган ваъда бўиича Тошкентга кайтиб, у ердан Самаркандга ўтдим. Шарк халкларини ўрганиш кўмитаси берган хатни маориф халк комиссариютида қолдирдим-да, яна Тошкентга бориб, ўз ишларим билан машғул бўлдим. Бир ойдан сўнг маориф халк комиссарлигидан хабарнома олдим, унда мана бу сўзлар ёзилган эди: «Сизнинг аризонлигини рад қилишга қарор қилинди, ўрнингизга бошқа киши юборилади».

Кутилмаган бу жавоб мени бутунлай умидсизлантириб қўйди. Бу пайтда ўқув мавсуми бошланган эди. Мен яна ўқитувчи бўлиб ишга киришга мажбур бўлдим. Бироқ мен учун ҳаёт Тошкентда кундан-кунга оғирлашиб борди, менга бўлган тажовузлар тўлкини олдинги жабр-зулм ва рухий эзилишлардан ҳам ортиб кетди. Буларга жавобан мен мақолалар ёзсам, улар матбуотга етиб бормас эди. Бу маломатлар менинг мафқурам чегарасидан чиқиб, оилавий ҳаётимни ҳам оёқ ости қила бошлади. Менинг ўз мафқурам ва шахсий оилавий турмушимга нисбатан бўлган ҳужум ҳаддан ташқари салбий эди. Манангулар, ниҳоят, менда қандай йўл билан бўлса-да, Ўзбекистондан чиқиб кетиш фикрини уйғотди. Бу фикр менда тобора ортиб борди. Менинг бутун вужудимни эса, қаергадир кетиб, ўша ерда ишда қилиш масаласи қамраб олди. Агар мен йўлланмасиз Москвага кетганимда яшаш жуда қийин бўлар эди. Бордию, Қозоғистон ёки Туркменистонга кетганимда ҳам барибир менга тинчлик беришмасди. Татаристон ва Озарбайжонда эса мен қаби одамларга иш топилиши амри маҳол эди.

Мен жуда кўп ўйлай-ўйлай, юз берган аҳволдан чиқишнинг энг мақбул йўли Афғонистонга чиқиб кетиш ва у ердаги афғон ўзбекларининг қолоқ маорифи таркибидаги мактабларда ишлаш бирдан-бир тўғри йўл деган фикрга қелдим. Мен учун энг севимли ишим, бу — ўқитувчилик эди. Афғонистонда мен қаби ўқитувчиларга талаб қучли эканлигини билганим учун у ерда яшашни мақсадга мувофиқ деб топдим. Лекин у ерда қандай қилиб бориш мумкин эди? Қочиб кетиш нотўғри эди, чунки бу ерда бўлганидек, у ёқда ҳам ушлаб олиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бундан ташқари, мен қочқоқликни истамас эдим. Шунинг учун афғон қонсули билан танишишга, агар имконият бўлса унинг илтимосига қўра расмий равишда Афғонистонга кетишга қарор қилдим. 1927 йилнинг ноябри ёки декабрида қўчада тасодифан Мозори Шарифлик Мансур Хон деган бир афғонни учратиб қолдим, унинг афғон қонсули билан яқиндан алоқаси бор эди. Маҳаллий савдогарларнинг қўпчилиги билан олдиндан алоқаси бўлган бу ёш афғон йигити менга ҳам таниш эди. Ундан мен афғон қонсули билан таништириб қўйишни илтимос қилдим. 10—15 кундан кейин мен яна Мансур Хонни Ўрдадаги Қизил чойхонада учратиб қолдим. Уни бир пиёла чойга таклиф қилиб, ўз илтимосимнинг натижасини сўрадим. Мансур Хон менинг илтимосимни қонсулга етказгани, у эса мен билан гаплашишга рози бўлганлигини айтди. Шу билан бирга у қонсул билан мени уйга чақириб, ўша ерда таништириш режаси борлигини ҳам айтди. 3—4 кундан сўнг Мансур Хон менинг йўқлигимда уйимга қелиб хат қолдириб кетиб-ди. Хатда у қайсидир қун (аниги эсимда йўқ) қеч соат 7—8 ларда уйда қутиб туришимни қўрсатибди. Белгиланган вақтда мен уйда Мансур Хонни қутиб турдим. У тахминан соат 8 да қелиб, мени 1-Қиёт қўчасидаги уйга олиб борди. Бу ерда қичкинагина хонада жуда ориқ бир киши ўтирар эди. Мансур Хон мени у билан таништирди. Қоғлик-саломатлик тўғрисида гаплашиб ўтирдик. Кейин мен унга ўз мақсадимни қилдирдим. У менга ҳозирги пайтда Афғонистонда ўзбек ўқитувчиларига талаб қатта бўлганлиги, яқинда Қобулдан хат олганлиги, унда ўқитувчилар топиш илтимос қилинганлиги, агар топилса, бир эмас, бир нечасини Афғонистонга юборишга тайёр эканлигини айтди. Шундан сўнг у мендан бу ердан у ёққа қорадиган ўқитувчилар топиладими, деб сўради. Мен унга, агар тегишли

давлат ташкилотларининг расмий рухсати оркали бўлса, бир неча ўқитувчи топиш мумкин, норасмий йўл билан ҳеч ким рози бўлмади, чунки уларнинг бу ерда оиласи бор, барибир уни йўқлаб туришлари керак, норасмий йўл билан кетса, улар қайтиб келолмаслигини айтдим. У мендан бу ердаги маданий ривожланиш ҳақида сўради. Маданият кутилганидан ортиқроқ даражада, жуда тез ривожланаётганлигини айтдим. У менинг фикримни тасдиқлаш билан бирга амир бошқараётган Афғонистонда ҳам маорифга катта эътибор берилмоқда деб айтди. Афғонистонга ўқитувчиларни юбориш масаласида у аввал, Қобулга хат ёзиши, жавоб олганидан кейин эса махсус рухсатнома олиш учун ҳаракат қилишини билдирди. Менинг тўғримда эса, агар мен норасмий кетишга рози бўлсам ёрдам беражагини тушунтирди. Мен рухсат олмай туриб кета олмайман ва кўркаман дедим...

Шундай қилиб, мени ва ўқитувчиларни (Афғонистонга) юбориш масаласи Қобулдан жавоб келгунича очик қолдирилди. Кейин эса иккинчи марта Бачи Соков кўзголини бостирилгунча кечиктирилади. Бачи Соков галаба қозонганидан кейин эса бу масаладан бутунлай воз кечиб, нафақа олишга ҳаракат қила бошладим. Мен нафақа олганимдан кейин, уйдан ҳеч қанча чикмай, оммадан ажралган ҳолда ўз хотираларимни ёзиб тугатаман деб ўйлаган эдим. Аммо менинг бу режам амалга ошмади.

Наманган ташкилоти вакили иккинчи марта келганида маҳаллий ерлик ва овруполиклардан ташкил топган қандайдир ташкилот қишлоқлари Фарғонада ташвиқот олиб бораётганлигини айтди ва улар билан боғланиш керакми деб сўради. Мен қуйидагиларни ҳисобга олиб улар билан алоқа қилмаслигини маслаҳат бердим: агар бу ташкилотда овруполиклар қатнашаётган бўлса, бу ок гвардиячи ташкилот бўлади. Туб жойликларнинг соддалигидан фойдаланиб, бу ташкилот уларнинг пулини ўмаришга ҳаракат қилади ёки уларни алдаб, бирор кўзголонга тортиши мумкин эди.

Фарғона халқи жуда қизиққон бўлади, жамли тез, шунинг учун осонгина қармоққа илиниши ва эндиgina тикланаётган Фарғона хўжалигини қайтариб олиши ва уни қон билан қориши мумкин. Мана шу даҳшатларни ҳисобга олиб мен унга юқоридаги маслаҳатни бердим. Уни яна қўрқитиш мақсадида ГПУ (Бош Сўғий бошқарма) деган ташкилот борлиги ва у бундан беҳабар бўлмаслигини ҳам айтдим. Балким, омма қайфиятини синаш учун бу хабарни тажриба сифатида ГПУнинг ўзи ҳам тарқатган бўлиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидладим...

1917—1918 йилларда мавжуд бўлган «Иттиҳоди тараккий» җамиятининг айрим тармоқлари жойларда, масалан, Наманганда ҳам ташкил топган эди. Унинг аъзолари қимлар бўлганлигини билмайман, аммо уларнинг орасида Зайнуллоҳ Кори ва Гофуржонов борлигини билардим. Эсимда, ўша пайтда Тошкент, Фарғона ва Наманган ўртасидаги алоқа Сирожиiddин Хон ва Наби оркали амалга оширилган эди. Лекин «Миллий иттиҳод» җамияти даврида қим оркали алоқа олиб қорилгани эсимда йўқ, аммо җамият мавжуд бўлиб, Тошкент билан алоқада бўлганлигини эшитганман. Ўзим эса 1917 йилдаги қурултойда мухторият эълон қилинганидан кейин Фарғонада бўлладим. Зайнуллоҳ Корини охириги марта 1920 йилда Боқудаги Қурултойда учратган эдим. Орадан 6—7 йил ўтгач, бир қиши Зайнуллоҳ Корининг хати билан олдимга келди. У менга қуйидаги саволлар билан мувожаат қилди: «Эски ташкилот ишлаяптими, унинг маркази қайерда? Афғонистон оркали қажга қорадиган қишлоқларга афғон қонсулидан ижозатнома (виза) олишга ёрдам бера оласизми?» ва ҳоказо. Умуман у ташкилотга тегишли саволларни берди. Мен бу саволлар қимдан, бир Кори ақамдан эмасми деб сўрадим.

У бу саволларга биргина Кори номидан эмас, балки бутун бир ташкилот 5—6 кишидан деб айтди. Шунда мен ундан Хожи аканинг мақсад ва нияти тўғриси—да сўрадим (31). Хожи ака Хиндистонда, сўнг Маккада ҳажада бўлган экан. Хиндистонда яшаб, ўқитувчи бўлиб ишлаган олим кишилардан, ҳозир эса у иш масаласида жуда кийин ахволда, шунинг учун ҳам четга кетиш ҳаракатида экан.

Бу вақтда мен ўқитувчилар масаласида Афғонистон консули билан гаплашиб олган эдим. Шунинг учун Афғонистон ҳозир ўқитувчиларга муҳтож, ижозатнома олиш мумкин, хожи менинг олдимга келса ёрдам бераман деб ваъда бердим. Ташкилот масаласида мен у билан аллақачон алоқани узганман, шунга қарамай, агар жуда зарур бўлса, бу тўғрида кейинги учрашганимизда бирор нарса айтиш мумкин дедим. Мен уларни умидсизлантирмаслик ва қуйидаги сабабларга қўра ташкилот тугатилганлигини айтмадим:

Унинг гапидан аниқ бўлдики, Наманган ташкилоти ҳали мавжуд, у ишлаб турибди. Агар мен бу ер (Тошкент)даги ташкилот тугатилган деб айтсам ҳам, барибир Наманган ташкилоти фаолиятини тугатмай, ўз ифлос ишини давом эттиравериши, унга янги-янги кишиларни жалб этавериши мумкин эди [32]. Бу ташкилот менга ёқмади. У эшон, мулла ва савдогарлардан тузилган бўлиши мумкин, чунки унинг бошида Зайнулдин Кори турибди. Мен улар билан, бу ташкилот билан яқинроқ танишиш, унинг таркибидаги зиёлиларни турли бахтсизликлардан асраш ва уни ГПУ олдида фош қилиш, шу билан ГПУ ишончини қозониш мақсадини қўнғлимга туккан эдим... [33].

Мен 1904 йилдан 1921 йилгача, яъни қамокка олинган кунга қадар, маҳаллий халқ орасидаги ташкилотлар ишида фаол қатнашдим. Уларнинг қўпчилигида раҳбар бўлдим, 1921 йилдан то Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгунча ташкилотларнинг бирортасида ҳам қатнашмадим. Ташкилотларнинг борлиги ва ишидан хабардор бўлсам—да, уларнинг ишига аралашмадим. Шунингдек, ташкилотларнинг ишида қатнашиш ҳеч қимга ҳам ман қилинмаган эди. Умуман, ташкилотлар масаласида менинг қулогим қар, қўзим қўр эди.

Миллий қайта чегараланишдан кейин мен ҳар қандай советларга қарши ҳуфийа ҳаракатга мурасасиз бўлдим [34]. Менимча, ўша пайтда қандайдир яширин ташкилот тузишнинг ҳеч иложи бўлмаган, чунки бирорта ҳам яширин ташкилот ГПУ эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди.

1929 йил 20 декабрь

Мен Бухородалигимда Тошкентда олдинги «Иттиҳоди тараккий» ўрнига «Иттиҳоди миллий» [35] ташкилоти барпо этилганлиги тўғрисида хабарнома олдим. У турк тилида ёзилган бўлиб, Хайдар Афандига тегишли эмас эди, чунки менга унинг дастхати жуда яхши таниш. Бу хабарни мен Саъдулла Хўжа, Қушбеғиев ва Али Расуловларга бердим, улар ҳам бундан хабари борлигини айтдилар. Бу ташкилотнинг раҳбарлари қим, у қандай дастур асосида ишлашини, ўз низомига эга ёки собиқ «Иттиҳоди тараккий» низоми бўйича ишлайдими, менга юборилган хатни турк тилида қим ёзган — буларни бирортамиз билмас эдик.

Мен бу ташкилот бошида Хайдар Афанди ва Садриддинхон турган бўлса керак деб гумон қилдим ва Хайдарга «Иттиҳоди миллий»нинг дастури ва низомини юборишни, унинг марказий қўмитасига қимлар қирганлиги тўғрисида хабар беришни илтимос қилиб

хат ёздим. Хайдар Афанди жавоб хатида хакикатдан ҳам Тошкентда бундай ташкилот ташкил этганлиги, лекин унинг марказий кўмитасига кимлар кирганлигини аниқ билмаслигини, аммо бу ташкилот атрофида собиқ «Иттиҳод ва тараккий»нинг аъзолари уймаланишаётганлиги сабаб, унинг марказий кўмитаеига Садриддинхон ва Муса Беғиев кирган бўлишини тахмин қилиб, хабар берди. Бу вақтда Бухородаги туркистонликлар «Иттиҳоди миллий» ташкилотининг маркази хақида мажлис ўтказиб, унда марказни Тошкентдан Бухорога кўчириш керакми ёки Тошкентга бўйсиниб, бу ерда унинг филиалини ташкил қилиш керакми деган масалани муҳокама қилди. Узок тортишувлар натижасида Марказий кўмитани Тошкентдан Бухорога кўчиришга, Тошкентда эса унинг факат вилоят бўлимини қолдиришга қарор қилинди. Бухорода Марказий кўмита ташкил этилади. Унга Саъдулла Хўжа ва Қушбеғиев қиради. Мен Садриддинхонга хат ёзиб, бизнинг қароримизни бажаришни ва ташкилотнинг муҳри, низо-мини юборишни таклиф қилдим. Садриддиндан жавоб бўлмади, Бухоро Марказий кўмитаси муҳрни ҳам, ни-зомни ҳам ололмади. Бу ҳолат бизда Тошкент марказига нисбатан ишончсизликни уйғотди. Бухоро Марказий кўмитаси икки-уч марта мажлис ўтказиб, ташкилотнинг дастури ва низомини ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилади. Бу вақтда бухороликлар билан тошкентликлар муносабати анча таранглашади: бухороликлар «Бухоро мустақиллиги» («Бухоро истиклоли») байроғи, туркистонликлар эса «Иттиҳоди миллий» («Миллий уюшма») байроғи, остида ҳаракат қилади, шу билан бирга икки томонда ҳам кўпчиликни коммунистик фирка аъзолари ташкил этади. Ўша вақт-да бизлар фиркага мансублик ҳеч вақт миллий-озодлик ҳаракатига тўсқинлик қилмайди деб ўйлар эдик. Бир куни мени Хошим Шоик уйига чақирди, Заки Валидов шу ерда экан. Мен Заки билан сўрашдим. Одатдаги салом-алиқ ва ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг, у Бухорога бундан 20 кун олдин келгани, бу вақт ичида кўпчилик (Бухоро давлат арбоблари) билан танишиб улғургани, ички ишлар Комиссари Хамид Орипов уни турар жой ва зарурий озик-овқат билан таъминлагани хақида сўзлаб берди. У мендан Боқу шахридаги Шарқ халқлари қурултойида аризасини ўрток Зиновьевга бериб қўйганим учун ҳафа бўлганлигини ҳам айтди. Гап шундан сўнг ташкилот масаласига кўчди. Заки Хошим Шоик орқали «Бухоро истиклоли» хақидаги муқаммал маълумотга эга бўлганлигини айтди. Менга эса «Миллий иттиҳод» хақида тўлароқ ахборот олишга чақиртирилганимни ҳам билдирди. Мен «Миллий иттиҳод» яқинда Бухорода ташкил топганлигини, ҳозир Бухоро билан Тошкент ўртасида Марказ учун қураш кетаётганлигини, бизга Тошкент марказига қим қар-барлиқ қилаётганлиги, низо ва муҳр юборилмаган-лиги сабаб бу иш билан банд эканлигимизни айтдим. Тошкентликлар билан бухороликлар ўртасидаги муносабат яхши эмаслигини Хошим Шоик ҳам тасдиқлади. Шундан сўнг Заки Бухорода бир оз муддатга қолиши, агар Бухоро ҳукумати Москвадан уни авф этишни илтимос қилса, у ўз ҳатти-ҳаракати учун тавба-тазарру қилиб, очик ишлашга ўтиши, ақс ҳолда эса чет элга кетишини айтди. У яна «Миллий иттиҳод» ва «Бухоро истиклоли» марказларининг ҳар иккаласидан вақил қирадиган «Марказлар маркази»ни тузиб, ҳамма мав-жуд ташкилотларни бирлаштириши, бухороликлар билан тошкентликлар ўртасидаги муносабатни яхшилаш нияти борлигини ҳам билдирди. Унинг сўзига қараган-да, бу тадбир бухороликлар билан туркистонликларни муросага қелтириш ва икки ташкилот фаолиятини уйғунлаштириши мумкин эди.

Хошим Шоик Заки Валидовнинг бу фикрини бу-хороликлар бутунлай қўллаб-қувватлайди деган фикр-ни билдирди. Мен ҳам ўз розилигимни баён қилдим ва шу билан Заки Валидов билан бўлган биринчи суҳбат тугади. Шундан сўнг «Миллий иттиҳод» учун

махсус дастур тузишга эҳтиёж колмади. Бир ҳафта, 10 кундан кейинми, Заки бухорликлар билан туркистонликлар-нинг бирлашган йигилишини чакиради. Унда катнаш-ганлар: Файзулла Хўжаев, Саъдулла Хўжа, Турсун Хўжаев, Мирзо Кодир, мен, Хошим Шоик, Заки Валидов ва Кушбегиев бўлди, бошқаларни ҳозир эслай олмадим. Орипов чакирилмаган эди, чунки унга Заки Валидовдан бошқа ҳеч ким ишонмас эди. Мана шу йигилишда Заки Валидов ўзи тузган дастурни ўкиб берди. Унинг тўла мазмуни ҳозир эсимда йўқ, лекин унда Москвадан Бухоро мустақиллиги, Туркистон эса ҳақиқий мухториятга эга бўлиши, омма билан алоқа масаласи коммунистик руҳда кўрсатилган эди. Бирок, Заки Валидовнинг дастурини йигилиш қабул қилмади. Ҳамма бу умумий мазмунга эга бўлган дастур билан ишлаш учун ҳали вақт борлигини айтди. Валидовга Туркистон ва Бухоронинг реал маданий имконияти ва икки мамлакат халқлари қайфияти ва аҳолини қатъий ҳисобга олувчи бошқа дастур тузиш таклиф этилди. Икки-уч кундан кейин Заки ва Хошим Шоик мени Мирза Кори Мухитдиновнинг уйига таклиф қилди. Зиёфатда бизлардан ташқари яна икки-уч киши бор эди. Зиёфат тугагач, улар ва Мирза Кодир кетади. Хошим Шоик ва Заки Валидов билан қолдик. Заки ўз дастури ҳақида гапириб, уни қабул қилинмаганлигига норозилигини билдирди. Кейин у Жамол Пошодан «Халоси Исломи» ҷамияти томонидан тузилган дастурни сўраб олиш нияти борлигини айтди. Жамол Пошо бу пайтда Афғонистонда эди. Дастур Шарқнинг маданий қолоқ мамлакатлари Арабистон ва Ҳиндистонга мўлжаллаб тузилган эди. Заки бу дастур асосида «Марказлар маркази» дастурини тузишни режалаштиради. Унинг фикрича, Бухоро ва Туркистон Арабистон ва Ҳиндистон мамлакатлари даражасида. Шунинг учун дастур Туркистон ва Бухорога тўғри келади. Бизлар унинг фикрини маъқулладик. Бўлиб ўтган мана шу йигилишда Хошим Шоикга Жамол Пошога хат жўнатиш учун Афғонистоннинг Бухородаги консуллиги билан келишиш вазифаси топширилди. Валидов хатни рақамлар ёрдамида ёзишини айтди. Кейин мен Хошим Шоик билан уйга кетдик. Заки эса бу ерда тунаш учун қолди.

Кейинги кунни кечкурун Хошим Шоик Заки қўли билан сонлар ёрдамида ёзилган хатни олиб келиб шундай деди: «Бу хатда Жамол Пошога «Халоси Исломи» ташкилоти дастурини юбориши илтимос қилиб ёзилган, унга Сиз ҳам имзо чекинг». Хатга Заки Валидов имзо қўйган эди. Мен ҳам уни имзолаб Хошим Шоикга қайтардим. У хатга қўл қўйганми йўқми билмадим, мен қўл қўйганда унинг имзоси йўқ эди. Бугун, деди Хошим Шоик кетиш олдидан, у ёққа (Афғонистонга) бир киши кетади, хатни унга бераман. Мени 10—15 кундан кейин Туркистон марказий ижрокўми чакириб қолди. Бухорони ташлаб кетдим. Бухорода бўлган чоғимда, юқорида кўрсатилганидан гашқари, «Миллий иттиҳод» маркази деб номланган гашкилотнинг яна 2—3 та мажлиси бўлди. Буларда умумий гаплардан ташқари бирорта жиддий масала қўрилмади.

«Миллий иттиҳод» марказий қўмитасига мен юқорида кўрсатган уч киши қирган бўлса-да, унинг мажлисларида доимий равишда Саъдулла Хўжа, Кушбегиев, Юсупалиев, Отахон ва Али Расулов катнашар эди. Мажлис расмий характерга эга эмас, балки тушлик, кечки овқат ва бошқа шу қаби қўринишда ўтарди. Қарорлар ҳам ёзма равишда қабул қилинмас эди. Ташкилотга янги аъзолар ҳам қабул қилинмаган, унинг аъзолари Бухорога қелган олдинги «Иттиҳод ва Тараққий»нинг аъзоларидан иборат эди...

1929 йил 22 декабрь

давоми бор...

(Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи: тарих фанлари номзоди, доцент С. Холбоев
Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор К. Окилов, тарих фанлари доктори
Х. Бобобеков, филология фанлари номзоди, доцент М. Олимов)